Биринчи битирувчилар

Мамлакатимиз олий ўқув юртларини бу йил биринчи марта туркиялик 124 нафар ёш битирди. Уларнинг бир қисми Ўзбекистонда иш юритаётган Ўзбекистон — Туркия қўшма корхоналарига ишга таклиф этилган бўлса, бир қисми ўз юртларига етук мутахассис сифатида қайтади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Олий таълим вазирлиги ва Туркия Жумҳуриятининг Ўзбекистондаги элчихонаси уюштирган кечада элчи Умур Апайдин жаноблари бундай ҳамкорлик мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашини таъкидлади.

Салим АШУРОВ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!

Қадрли журналистлар ва матбаачилар!

Сизларни касб байрамингиз — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий муборакбод этаман. Зотан, бу байрам нафақат сизлар, балки бутун халқимиз ҳуррият, озодлик, сўз ва фикр эркинлиги рамзи сифатида нишонлайдиган қутлуғ кундир.

Мустақилликнинг ўтган қисқа даврида одамларимиз онги ва тафаккурида кескин бурилиш юз берди. Жамиятимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий жиҳатдан тобора соғломлашди. Бу кундалик ҳаётимизда ҳам, мақсад ва интилишларимизу фуқароларимиз руҳиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Кишилар қалбида миллий ғурур, миллий ифтихор ҳисси тобора кучайди.

Ана шундай жиддий маънавий-руҳий янгиланишларда журналистлар ва матбаачиларнинг ўз ўрни бор. Улар янгиликлар жарчиси, ислоҳотлар тарғиботчиси, давлат ва жамият ўртасида холис воситачи сифатида ва шу билан ҳаётий муаммоларга онгли ёндошувчи ёшларни тарбиялашда фаолият кўрсатмоқда.

Шуни мамнуният билан айтаманки, истиқлолнинг ўтган даврида журналистларимизнинг ҳам тафаккури, дунёқараши ўзгарди. Матбуотимиз тобора миллий шакл, миллий мазмун, миллий қиёфа касб этиб бормоқда.

Янги XXI аср ақл-идрок, маънавият ва тафаккур асри — соғлом мустақил фикр, соғлом ғоя, умуминсоний қадриятларга таянган тафаккур тантана қиладиган аср бўлади. Ана шундай пайтда ҳаётимизда матбуотнинг роли яна ҳам ошади. Унинг вазифаси ва жамият олдидаги масъулияти кенгаяди. Журналсит сўзининг салмоғи ошади. Шундай экан, матбуотимиз ўзининг иқтидорини, куч-қудратини, бутун салоҳиятини, тажрибаларини бойитиб бориши шубҳасиз.

Азиз дўстлар!

Сизларни касб байрамларингиз билан яна бир бор табриклар эканман, ҳаммангизга тинчлик-омонлик, ижодингизга барака, жамият ва халқ олдидаги ғоятда масъулиятли ишларингизда муваффақиятлар тилайман!

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ

Дўст билан обод уйинг

Тошкентдаги республика Дўстлик жамияти кенгаши биносида хайрли тадбир уюштирилди. Бу ерда «Ўзбекистон — Туркманистон дўстлик жамияти»нинг таъсис мажлиси бўлди. Тошкент, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё ва бошқа вилоятлардан вакиллар иштирок этди. Туркманистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб С. Пирмуҳаммедов қўшни халқлар ўртасидаги азалий қардошлик ва дўстлик анъаналари хусусида сўзлади. Йиғилишда жамиятнинг низоми қабул қилинди. Абдушукур Хоназаров «Ўзбекистон — Туркманистон дўстлик жамияти» раиси этиб сайланди.

Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 27 июнь, шанба • № 76 (22.313).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Истиқболли ҳамкорлик сари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23-25 июнь кунлари расмий ташриф билан Болгария Республикасида бўлди.





Суратда: ташриф пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Сафар арафасида Тошкент, кейинроқ эса София аэропортида журналистлар билан бўлган суҳбатларда таъкидланганидек, Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегациясининг Болгарияга ташрифидан кўзланган асосий мақсад икки давлат ўртасидаги муносабатлар ҳамда ҳамкорлик алоқалари ривожи учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратиш эди. Эътироф этиш керакки, мақсад амалга ошди.

Дастлаб, Бош вазир Иван Костов билан суҳбатда Ўзбекистон — Болгария қўшма комиссиясини тузишга келишиб олинганини ҳам сафарнинг катта муваффақияти сифатида қайд этиш мумкин. Халқ Йиғини раиси Иордан Соколов билан учрашувда эса, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Қонун чиқарувчи олий орган фаолиятини такомиллаштиришда Ўзбекистон ва Болгария парламентлари вакилларининг давомли мулоқотларини йўлга қўйиш имкониятлари ҳақида сўз юритилди.

Ислом Каримов Софияда ўтказган мулоқотларнинг энг аҳамиятлиси эса, албатта, икки давлат Президентларининг юзма-юз суҳбати бўлди. Давлат раҳбарлари ўзаро муносабатларни ривожлантиришга қаратилган кенг қамровдаги масалаларни кўриб чиқдилар. Ташрифнинг расмий қисми ниҳоясида бўлган матбуот анжуманида яккама-якка мулоқот ҳақида сўз юритилар экан, унинг ғоят дўстона руҳда ўтгани, минтақавий ва дунёвий муаммолар, икки томонлама муносабатлар ва бошқа масалалар, хусусида томонларнинг қарашлари ўхшаш ёки бир хил экани намоён бўлганлиги алоҳида қайд этилди.

Дарвоқе, яқин ва истиқболли ҳамкорликдан, узоқ муддатли, мустаҳкам, бир-бирига ишонч билан йўғрилган муносабатлардан ҳар икки давлат бирдек манфаатдордир. София аэропортида Ислом Каримов Болгариянинг жуғрофий жойлашуви, транспорт коммуникацияси, мамлакатнинг Европадаги нуфузи Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Ўзбекистон Европага чиқадиган энг яқин, арзон ва қулай йўл деб Болгария йўллари орқали ўтадиган йўналишни билади. Бу, ўз навбатида, Болгария учун Жанубий-Шарқий Осиё бозорига чиқиш имконини беради. Чунки, икки қитъани боғлайдиган ТРАСЕКА йўналиши яқинда тўла ишга тушади, Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш ишлари ҳам жадал суръатларда давом этмоқда.

Софиядаги Қабуллар уйида бўлиб ўтган матбуот анжуманида болгар давлати раҳбари П.Стоянов биз, Европага жўнатиладиган Ўзбекистон товарларининг Болгария портлари ва коммуникациялари орқали ўтишини истаймиз, дегани ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди. П.Стоянов мавжуд имкониятлардан фойдаланмас эканмиз, авлодлар бизни кечирмайди, дея ўз сўзларининг мазмун-моҳиятини янада равшанроқ ифода этгани эса ортиқча изоҳ талаб қилмайди.

Ўзаро муносабатларни ривожлантиришга интилиш ҳар икки давлатда ҳам бир хил экани бежиз эмас, чунки бу хайрли ният замирида узоқ даврларга бориб тақаладиган дўстона муносабатлар, халқларимизнинг бир-бирига ҳамоҳанг улкан тарихи, ўхшаш хусусият ва қадриятлари бор. Буларнинг барчаси яқинликка, шерикликка ундайди. Болгариядаги мулоқотлар давомида икки мамлакатнинг қадимий шаҳарлари ўртасида бевосита биродарлик алоқаларини ўрнатиш фикрлари ҳам кўп бор ўртага ташланди.

Ўхшаш томонлар ҳақида сўз кетганда, Конституция ва тараққиёт йўли, унинг шаклу шамойилини ҳам қайд этиш жоиз. Болгария ҳам демократия тамойилларига таянган ҳуқуқий давлат қуриш, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, ижтимоий соҳани кенг қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тинчликпарварлик йўлидан бормоқда.

Маълумки, Болгария Европа Иттифоқи ва НАТОга аъзо бўлиш истагини билдирган. Бу мамлакат раҳбарияти ўз олдига фуқаролари фаровон турмуш кечирадиган, иқтисоди мустаҳкам давлат қуриш

(Давоми 2-бетда)

Бу дунёнинг ишлари

Фавқулодда ҳолат жорий этилди

Чеченистонда ўтган куни кечаси мамлакат Президенти Аслан Масҳадовнинг фармонига биноан фавқулодда ҳолат жорий этилди. Ушбу ҳолат 15 июлгача давом этади. Шу билан бирга республика ҳудудида комендантлик соати ҳам амал қилмоқда. Бу ҳар куни кечаси 22.00 дан эрталаб 6.00 гача давом этади. Кейинги пайтларда республикадаги ички сиёсий вазият мураккаблашиб кетганлиги сабабли фавқулодда ҳолат жорий этилди. Худди шу вақтнинг ўзида расмий Грозний ўз қарорини ўтган якшанба куни юз берган воқеалар билан боғламоқда. Ўшанда отишмалар натижасида Чеченистон миллий хавфсизлик хизмати бошлиғи Леча Хултигов ўлдирилган эди.

Сафар бошланди

АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг Хитой Халқ Республикасига расмий ташрифи бошланди. Уни кузатиб борган делегация таркибида Американинг йирик сиёсатчилари ва бизнесменларидан анчагина расмий шахслар бор. Клинтон 9 кунлик сафари давомида Хитойнинг 5 та шаҳрида бўлади ва давлат раҳбарлари билан учрашади. Америка Президенти Хитой маъмурларига «Озод Осиё» радиостанциясининг мухбирларига ташриф визалари бермаганликлари учун норозилик билдириш ниятида. Мутахассислар эса Хитойнинг Америкага қарши қаратилиши мумкин бўлган стратегик ядро воситаларини баҳолаб, шундай дейишди: Хитой 16 та қитъалараро баллистик ракеталарга эга. Улар узоғи билан 12 минг километр масофадаги объектни бемалол ура олади. Каллак қисмининг қуввати эса 2 мегатоннани ташкил этади.

Нефть нархи ошди

Халқаро фьючерс савдоларида нефть нархининг ошиб бораётганлиги қайд этилди. Бу албатта, нефть ишлаб чиқарувчи қатор мамлакатларнинг нефть сотишни кунига камида 1 миллион баррелга камайтириш ҳақидаги қароридан сўнг юз берди. Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилотининг Венада бўлиб ўтаётган конференциясида нефть ишлаб чиқаришни камайтириб бориш чора-тадбирлари муҳокама қилинмоқда. Ушбу ташкилотга аъзо бўлган мамлакатлар сафига Мексика, Россия, Оммон ва Миср ҳам қўшилди. Улар ҳам нефть сотишни кунига 200 минг баррелга камайтиришга ваъда беришди. Бу чора-тадбирлар кўрилишининг сабаби шундаки, кейинги 12 йил ичида нефтга бўлган жаҳон нархи энг паст кўрсаткичга тушиб қолди.

Қайта текширув зарур

БМТ Хавфсизлик Кенгаши махсус комиссиянинг Ироқдаги ядро каллакларини қайта текшириш зарурлиги ҳақидаги таклифини тасдиқлади. Ироқни қуролсизлантириш бўйича БМТ махсус комиссияси раиси Ричард Батлернинг фикрича, бу ерда асабни фалаж қилувчи «Ви-Экс» қуролининг қолдиқлари бор экан. Бу хабарни эшитган АҚШ ва Буюк Британия вакиллари Ироқ БМТни лақиллатди, деб баҳолашди. Ироқ эса БМТдан иқтисодий жазо чораларини тезроқ олиб ташлашни талаб қилмоқда.

Қутлаймиз!

“Наврўз — боқий байрам!” танлови ғолиблари

Наврўз халқимизнинг энг қадим ва мўътабар байрамидир. Бу улуғ шодиёнанинг ҳеч бир байрамга ўхшамайдиган жиҳатлари мавжуд, у халқнинг янада ҳамжиҳат, саховатли, меҳр-оқибатли бўлишига хизмат қилади. Бу қутлуғ байрамнинг бетакрор жиҳатлари ялт этиб кўзга ташланишида, янада оммавий тус олишида қалам аҳлининг хизмати беқиёсдир. Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг “Наврўз — боқий байрам!” танловига тақдим этилган материалларнинг ранг-баранглиги ҳам бу борада ижодкорлар янада изчил изланаётганидан далолат беради.

Танлов ҳайъати бу йилги Наврўз шодиёналарини кенг ва муфассал ёритишда “Ўзбекистон овози” газетаси ва “Соғлом авлод учун” журнали таҳририятлари, ижодкорлар орасида эса “Халқ сўзи” газетаси бўлим муҳаррири, журналист Норқобил Жалил ибрат кўрсатганлигини қайд этди, шу боис улар танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлди.

“Наврўз — 98” шодиёналарини энг яхши ёритган таҳририят учун” ажратилган мукофотга Сурхондарё вилоятининг “Сурхон тонги” газетаси таҳририяти муносиб кўрилди.

“Энг яхши мақола учун” таъсис этилган биринчи даражали мукофот билан Ўрол Ўзбек (“Қадрият” газетасида эълон қилинган “Қуёш соати” мақоласи учун), Икром Искандар (“Маърифат” газетасида эълон қилинган “Наврўз хислатлари” туркум мақолалари учун) тақдирланди.

Иккинчи даражали мукофотга шу мавзудаги туркум мақолалари учун Абдусаттор Тошимбетов (“Нурлы жол” газетаси) ҳамда Жаҳонгир Холиқов (“Марказий Фарғона” газетаси) сазовор бўлди.

Учинчи даражали мукофотга эса саҳифани безашдаги маҳорати учун “Овози тожик” газетаси ходими Шерпўлат Вакилов, радио орқали берилган эшиттиришлари учун журналист Муҳайё Мирсаидова муносиб кўрилди.

(ЎзА)



Президент Фармонига мувофиқ бугун нишонланадиган оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрами арафасида «Ўзбекистон» нашриёти «Тўртинчи ҳокимият» китобини босмадан чиқарди.

Табриклаймиз!

“Йилнинг энг яхши журналисти”

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан эълон қилинган “Йилнинг энг яхши журналисти -97” танлови якунланди. Танловда республикамизнинг барча вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида яшаб ижод қилаётган юзга яқин журналист, фотожурналист иштирок этди.

Мустақил Ватанимиз ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишларини, жўшқин ҳаёт манзараларини оммавий ахборот воситаларида кенг ва ҳаққоний ёритаётган, ўз ижод маҳсуллари билан матбуотимизнинг янада демократлашувига ҳисса қўшаётган энг фаол, энг маҳоратли журналистлар танловда совриндор бўлдилар.

Танлов ғолиблари:

Қуддус Аъзамов — Ўзбекистон телевидениеси шарҳловчиси, “Юзма-юз”, “Акс садо” мунтазам кўрсатувлари учун;

Нигина Бойқобулова — “Правда Востока” газетаси ходими, халқаро мавзудаги таҳлилий мақолалари учун;

Назира Хўжаева — ЎзАнинг Наманган вилоятидаги мухбири, ижтимоий-иқтисодий мавзудаги мақолалари учун;

Икром Ўтбосаров — “Халқ сўзи” газетаси бўлим мудири, иқтисодий мавзудаги мақолалар туркуми учун.

Иккинчи мукофот совриндорлари:

Маҳмуд Абулфайз — (“Оила ва жамият”), **Тимур Греков** (Ўзрадио), **Гулчеҳра Жамилова** (“Саодат”), **Гулнора Маҳкамова** (ЎзТВ), **Тошпўлат Раҳматуллаев** (“Самарқанд”), **Тўхтамурод Тошев** (“Адолат”), **Аъло Хўжаев** (“Ташкентская правда”), **Олег Шатуновский** (“Жаҳон” ахборот агентлиги).

Учинчи мукофот совриндорлари:

Абдимутал Абдуллаев (“Андижоннома”), **Маҳмуд Жўраев** (“Қишлоқ ҳаёти”), **Қулназар Иброҳимов** (“Нурлы жол”), **Саидмурод Норбоев** (“Жиззах ҳақиқати”), **Даврон Орипов** (“Ҳуррият”), **Омирбой Отеулиев** (“Еркин Қорақалпоқистон”), **Алимқул Султонов** (“Ўз-бекистон овози”), **Саидмурод Тиллахўжаев** (Ўз-радио), **Абдувоҳид Тўраев** (ЎзА), **Раим Фарҳодий** (“Народное слово”), **Шерзод Қудратхўжаев** (ЎзТВ), **Алиназар Эгамназаров** (“Қомус”).

Мукофот муборак, азиз ҳамкасблар!

(ЎзА)

Маҳсулотлар сифатли бўлса

Сурхондарёдаги «Сурхонтекстил» ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулотлари тобора харидоргир бўлиб бораяпти. Бунинг боиси корхонада йилдан йилга энг замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилаётгани ва жамоа аҳлининг сифатли газламалар ишлаб чиқараётганлигидир.

Яқинда корхонага 120 та «СТД — 180» русумли Россиядан келтирилган тўқув ускуналари ўрнатилди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган турли хил матолар, сочиқ, ёстиқ жилди ва чойшабларга нафақат республикамиз, балки бир нечта хорижий мамлакатлардан ҳам буюртмалар тушяпти.

Албатта, бугунги кунда маҳсулот сифати харидорларни ўзи излаб топади.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Истиқболли ҳамкорлик сари

(Давоми. Боши 1-бетда)

мақсадини қўйган. Бунга эришиш эса осон эмас. Лекин, иқтисодий юксалиш, ўз хавфсизлиги, мамлакат суверенитети ва дахлсизлигини таъминлаш учун ҳар бир давлат ўзига хос ва ўзига мос йўл тутиши табиий. Матбуот анжуманида Болгария Президенти П.Стоянов таъкидладики, мамлакат учун қандайдир саъй-ҳаракатлардан чекингандан кўра, Европа Иттифоқи ва НАТО сингари нуфузли халқаро тузилмаларга аъзо бўлиш қулайроқ ва энг муҳими, манфаатлидир. Давлатимиз раҳбари ҳам Болгария раҳбариятининг бу стратегиясини қўллаб-қувватлади.

Ислом Каримовнинг Болгарияга расмий ташрифи яна шуниси билан аҳамиятли бўлдики, музокаралар якунида Президентлар Дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномага имзо чекдилар. Шунингдек, Ўзбекистон томонидан Бош вазир ўринбосари Л. Ахметов, маданият ишлари вазири Х.Жўраев, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э.Ғаниев, ташқи ишлар вазири А.Комилов, Болгария томонидан маданият ишлари вазири Э.Москова, савдо ва сайёҳлик вазири В.Васильев, транспорт вазири В.Краус маданият, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, савдо-иқтисодиёт, сайёҳлик, автомобилда халқаро йўловчи ва юк ташиш соҳаларида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро Битимлар ҳамда Транспорт соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумга имзо чекдилар.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон — Болгария муносабатларида шу кунгача бирор келишмовчилик ёки англашилмовчилик юзага келгани йўқ. Лекин, шу билан бирга, давлатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг асосий тамойилларини аниқ ифодалаб берадиган ҳужжатлар ҳам йўқ эди. Замон эса қонунга асосланиб иш кўришни талаб қилади, яъни алоқалар ҳуқуқий пойдеворга таяниши лозим. Президентимизнинг София сафари мобайнида еттита муҳим ҳужжат имзоланиши бу борадаги хайрли ишларнинг бошланишидан далолатдир.

Ўзаро муносабатларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий замини яратилгани Ўзбекистон учун нечоғли муҳим аҳамият касб этишини қуйидаги мисолдан ҳам англаш мумкин. Маълумки, жаҳон бозорига чиқиш — бой табиий заҳирага, улкан иқтисодий ва ақлий салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон учун жуда муҳим ва айни пайтда кечиктириб бўлмайдиган масаладир. Болгариянинг Қора денгиз бўйидаги ҳудудларида эса замонавий портлар мавжуд. Табиийки, Ўзбекистон — Туркманистон — Озарбойжон — Грузия йўналиши Қора денгиз орқали Болгария ҳудудида давом этса, бу мамлакатимиз учун ҳам қулай, ҳам фойдали бўлади. Чунки, сир эмас: айрим ҳолларда четга маҳсулот чиқариш ёки хориждан товар олиб келишнинг йўлкираси товарнинг баҳосидан ҳам ошиб кетади. Шу боис, юртбошимиз таъкидладики, Болгария билан муносабатларни мустаҳкамлаш давлатимиз келажаги учун муҳим аҳамиятга эга.

София сафаридаги самарали мулоқотлардан яна бири Миллий маданият уйида бўлиб ўтди. Бу ерда Ислом Каримов маҳаллий ишбилармонлар билан учрашди. Юртбошимиз мустақилликка бўлган даврда Ўзбекистонда ҳукм сурган иқтисодий вазият ҳамда кейинги йилларда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида сўзлади. Шунингдек, давлатимиз раҳбари болгар ишбилармонларини ўзбекистонлик ҳамкасблари билан янада яқинроқ ҳамкорлик ўрнатиш, шериклик муносабатларини кучайтиришга даъват этди. Бунинг учун Ўзбекистонда барқарор иқтисодий муҳит қарор топган, қулай шарт-шароит ва ҳуқуқий асос яратилган.

Болгарияга сафар чоғида Ислом Каримов мамлакатнинг йирик порт шаҳарларидан бири — Варнада бўлди. Давлатимиз раҳбари Президент П.Стоянов ҳамроҳлигида Ферибот мажмуини бориб кўрди. Шу кунгача мазкур мажмуа орқали 40 миллион тоннага яқин юк ташилган. Унинг тасарруфидаги улкан паромлар юздан ортиқ вагонни ўз ичига сиғдира олади. Президентимиз "Одесса қаҳрамони" паромида бўлганида унинг имкониятлари, фаолияти, иш суръати, сиғими ва бошқа хусусиятлари билан танишди.

Маълумки, денгиз орқали юк ташиш энг арзон ва энг қулай йўлдир. Биргина паромни олайлик. Ундаги имкониятларни самолётда ҳам, автомобиль ёки поездда ҳам топиб бўлмайди. Чунки, бу воситаларнинг барчаси бошқа давлатлар ҳудудидан ўтади. Божхона солиқлари, транзит ва бошқа тўловлар эса ташилаётган юкнинг баҳосини ошираверади. Паром ёки кема орқали эса, аксинча, ортиқча сарф-харажат талаб қилинмайди. Афсуски, юртимизда тўғридан-тўғри денгизга чиқиладиган йўл йўқ. Президентимизнинг коммуникация масаласига ниҳоятда катта эътибор билан қараб, ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш, Буюк Ипак йўлини тиклаш борасида ташаббускорлик кўрсатгани, хорижий давлатларни бу борада ҳамкорликка даъват этаётганининг боиси ҳам ана шунда. Булар ўз самарасини беришига шубҳа йўқ. Ислом Каримов София аэропортининг ўзидаёқ Евроосиё йўлаги хаёлот эмас, дея баёнот берди.

Икки давлат Президентларининг яккама-якка суҳбати чоғида Ислом Каримов Ўзбекистоннинг Қора денгиз Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига қўшилиши масаласини ўртага ташлагани ҳам маълум бўлди. Мазкур ташкилот Қора денгиз бўйидаги давлатлар ташаббуси билан тузилган. Яқинда Украинанинг Ялта шаҳрида мазкур ташкилотнинг Низоми қабул қилиниб, янги тузилма қонуний тарзда ўз фаолиятини бошлади. Болгария эса айни вақтда унга раислик қилмоқда. П.Стоянов Ўзбекистон раҳбари билдирган таклифни қўллаб-қувватлади.

Шундай қилиб, Ислом Каримовнинг Болгария сафари натижаларига назар ташланса, расман еттита ҳужжат имзоланган эса-да, муҳокама этилган масалалар ва келишувлар бундан бирмунча кўпроқ эканини аён бўлади. Бу эса ташрифнинг аҳамиятини янада оширади. Зотан, ўзаро муносабатлардаги бундай юксалиш тарихий зарурат ҳам эди. Ислом Каримовнинг биз юксалиш талаб қилаётган жараённи жадаллаштиришга интилмоқдамиз, деган сўзлари замирида ҳам ана шу ҳақиқат ётади.

Ислом Каримовнинг Болгарияга расмий ташрифи якунлари ҳақида сўз кетганда яна бир жиҳатга тўхталиш лозим. Дўст мамлакатда мазкур ташрифга катта аҳамият берилди ва алоҳида эътибор билан қаралди. Оммавий ахборот воситаларида унга кенг ўрин берилди. Бу ўзаро дўстликнинг мустаҳкамлиги, яқинликка интилиш ва муносабатларни янада юқори поғонага кўтариш истаги нечоғли самимий эканини кўрсатади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — София — Варна — Тошкент

Мустақиликка эришилган биринчи кунларданоқ олдимизга қўйган вазифалар орасида ватандошларимиз асрлар давомида орзу қилган фаровон, тинч-тотув ҳаётга эришиш, фарзандларимизнинг бахтини кўриш умидлари, ўзгалардан кам бўлмаган, ҳавас қилишга арзийдиган муносиб ҳаёт қуриш туйғулари, эзгу ва улуғ ниятларимизни амалга оширишда маънавий камолот сари интилиш, шу асосда барча элат ва миллатга мансуб кишиларнинг бошини қовуштириш, бир сўз билан айтганда, эл-юртимизни бирлаштириш мақсадлари алоҳида ўрин тутади.

ХОТИРА халқни бирлаштиради

Яқинда Президент ҳузурида бўлиб ўтган кенгаш мана шу сўзлар билан бошланди. Кенгашда мамлакатимизда ҳар йили ўтказиладиган, анъанага айланган 9 Май байрами — Иккинчи жаҳон уруши тугаган кунни нишонлаш билан боғлиқ маросимлар ҳақида, бу йилги тадбирлар пайтида Президентимизнинг уруш қатнашчилари билан учрашувда билдирган фикрлари, шу фикрлар атрофида матбуотда баён этилган изоҳлар ва шарҳлар ҳақида сўз борди. Бу маросимларни ўтказиш ва уларга халқимизнинг ҳурмат-эътиборини ошириш хусусида фикр алмашилди.

Ҳақиқатан ҳам, Иккинчи жаҳон уруши якун топган кун эллик уч йилдирки ҳам қувонч, ҳам армон туйғулари билан ёд этилади. Бу машъум урушда 50 миллион киши ҳалок бўлди, беҳисоб одамлар майиб-мажруҳга айланди. Она- Ватанимиз Ўзбекистонда ҳам бу уруш кулфатини тортмаган оила йўқ, десак муболаға бўлмайди. Ўзбекистонлик 450 мингдан зиёд йигитга жанг майдонларидан қайтиш насиб этмади. Улар ўз жасорати, шаҳид кетган жонлари билан башариятни фашизм вабосидан асраб қолишга унутилмас ҳисса қўшдилар.

Мустақиллик йилларида уруш қурбонлари ва иштирокчиларига халқимизнинг муносабати тобора теранлашиб, холислашиб бормоқда. Бу тарихий санага сохта муфкуравий ёндашув барҳам топиб, **кўпроқ унинг маънавий жиҳатларига, асл моҳиятига ва аҳамиятига, урушда жон берган аждодларимиз хотирасини эъзозлаш борасидаги амалий ишларга асосий ўрин берилмоқда.**

Давлатимиз раҳбари муҳтарам Ислом Каримовнинг бу масалага нақадар катта инсоний эътибор билан қараб келаётгани жамоатчиликка яхши маълум. Шундай бўлса-да, бу соҳада у кишининг бевосита ташаббуси ва раҳбарлиги билан амалга оширилган ишларнинг айримларини санаб ўтиш жоиз: Ғалабанинг 50 йиллиги нишонланган 1995 йилда Президентимиз Фармонига кўра урушда иштирок этган ва фронт орқасида меҳнат қилган юз минглаб юртдошларимиз ҳукумат мукофотлари, турли имтиёзлар билан тақдирланди. Шу йили яна бир савоб ишга қўл урилди: урушда қурбон бўлган 450 минг аскарнинг исми-шарифи зикр этилган 33 жилддан иборат «Хотира» китоби нашр қилинди. Ҳар йили шу байрам арафасида Президентнинг махсус Фармонига кўра уруш фахрийларини тақдирлаш тадбирлари ўтказилмоқда.

Албатта, урушда шаҳид кетган аждодларимизни, хонадонларимизнинг файзи бўлган дуогўй ота-боболаримизни жангларда кўрсатган мардлик ва матонати, тортган азоб-уқубатлари учун ҳар қанча ардоқласак арзийди.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти бу байрамни **Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларни хотирлаш, айни вақтда ҳаёт бўлган уруш қатнашчиларининг қадр-қимматини жойига қўйиш куни сифатида нишонлаш ғоясини олға суриб келмоқда.**

Бошқача айтганда, Президент 9 Май байрамини шўровий дунёқараш, коммунистик нуқтаи назардан туриб дабдаба қилиш ўрнига унга бугунги реал воқелик кўзи билан қараб, унинг асл моҳиятини очиб бериш зарурлигини таъкидламоқда.

Ҳаёт талаби, мавкуравий сиёсатимиз, ёшларимизни маънавий соғлом этиб тарбиялаш мақсадлари шуни тақоза этмоқда. Бинобарин бу байрамнинг маъно ва мазмунини, шаклини, тарғибот усулларини, бугунги турмушимиздаги ўрни ва аҳамиятини жиддий ўйлаб кўриш, бу хусусда бош қотириш зарур.

Чуқурроқ мулоҳаза юритиб кўрайлик.

Турли миллат, турли элатга мансуб миллионлаб кишиларнинг дарё-дарё қони, тортган мислсиз азоб-уқубатлари эвазига эришилган бу ғалаба бугунги кунда айрим собиқ совет республикаларидаги бир тўда шовинистлар, сохта ватанпарварлар қўлида дастак бўлиб қолмоқда. Улар бу байрамдан СССРни қўмсаш, уни тиклашга уриниш, коммунистик «дориломон кунлар»ни қайтариш учун бир восита сифатида фойдаланмоқдалар. Бундай сиёсат остида қандай мақсад ва манфаатлар ётганини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу тарихий санани сохта ақидапарастлар қўлидаги ташвиқот қуролига айлантириб қўймаслигимиз лозим. Бу, аввало, ўша қурбонлар хотирасига ҳурматсизлик, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмас.

Чунки энди замон, тараққиёт ҳаёт синовларига бардош беролмаган эски мафкурани кўтармайди. Хусусан, озодликка эришган мамлакатнинг истиқлол мафкураси бундай ёндашув билан асло муроса қилолмайди.

Агар шу ҳаётий хулосани тўғри англасак, деб уқтиради Президент, унинг негизидаги ҳақиқатга етиб борсак, 9 Майни урушда қурбон бўлганларни эслаш, уларнинг руҳига ҳурмат-эҳтиром бажо келтириш, ҳозир сафимизда ҳаёт бўлган уруш қатнашчилари — ота-боболаримизга иззат-икром кўрсатиш куни сифатида нишонлаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Иккинчи жаҳон урушида қатнашган фахрийларимизни қўлдан келганича асраб-ардоқлаш, яхши сўз билан кўнглини кўтариш, ҳурматини бажо келтириш, умрини узайтиришга ҳаракат қилиш бугунги авлод учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Ўйлайманки, бу аввало савоб. Қолаверса, ўзбекчиликка ҳам, мусулмончиликка ҳам мос келадиган иш бўлади, дейди Президент.

Шу йил 9 Май куни юртимиз раҳбари Мустақиллик майдонида жойлашган Номаълум солдат қабрини зиёрат қилаётганида матбуот вакилларига интервью берган эди. Интервьюда билдирилган баъзи фикр ва мулоҳазаларни қайта эсласак:

«Бу ерга келаётганимда, — деди Президент, — қаҳрамон шаҳарлар номлари ёзилган лавҳаларга кўзим тушди. Бу номлар олтин ҳарфлар билан ёзилган. Албатта, уларга бу ном бекорга берилмаган.

Айни пайтда ўтган галги Ғалаба байрами кунида мана шу ерда айтган гапларимни яна бир бор такрорламоқчиман. Ўзбек йигитлари ўша қонли урушда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, жон олиб жон бераётганида ишончим комилки, шу шаҳарларни эмас, авваламбор ўз уйларини, оқ ювиб оқ тараган меҳрибон оналарини, севимли ёрларини, азиз фарзандларини, қариндош-уруғларию дўст-биродарларини ўйлаганлар. Ҳамюртларимиз урушда Европадаги қандайдир тепалик ёки қаҳрамон шаҳарлар учун эмас, биринчи навбатда, жонажон юртимиз, унинг озодлиги ва мустақиллиги, ёруғ келажаги учун жон фидо қилганлар».

Моҳият эътиборига кўра биз ўрганиб қолган эски тушунча ва кўникмалардан буткул фарқ қилувчи бу ҳароратли сўзлар ҳар бир кишини чуқур ўйга толдириши табиий, албатта.

Шу суҳбатда давлатимиз раҳбари Номаълум солдат қабри атрофини Хотира хиёбонига айлантириш ҳақида янги бир таклиф билдирди.

«Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан урушга кетиб, жанг майдонларида ҳалок бўлганларнинг хотирасини абадийлаштирсак, уларнинг ҳурматини жойига қўйсак, жуда савобли иш қилган бўлур эдик. Менимча, Иккинчи жаҳон урушида шаҳид кетган барча азиз юртдошларимизнинг хотирасини пойтахтимизнинг марказий майдонида абадийлаштиришимиз лозим».

Президентимизнинг чуқур ҳаётий мантиққа асосланган бу фикрлари кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, ўша қонли жанггоҳларда ўлимларни доғда қолдириб шу кунларга етиб келган нуроний оталаримиз — уруш қатнашчилари бу таклиф юзасидан қизғин мулоҳазалар билдиришди.

«Юртбошимизнинг ҳар қандай оддий инсон қалбига тез етиб борадиган самимий ва таъсирчан сўзлари менинг қалбимда ҳам ўчмас акс садо уйғотди, — дейди Собир Раҳимов туманидаги Истиқлол маҳалласининг оқсоқоли, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Муҳомбек Тўраев. — Жасорат кўрсатган, қурбонлар берган халқни ёдламоқ биз тирикларнинг бурчидир. Президентнинг Тошкентда Хотира майдони ташкил этиш, унда Қорақалпоғистон ва барча вилоятларимиз ҳамда Тошкент шаҳридан урушга кетиб ҳалок бўлганлар хотирасига ёдгорлик мажмуи барпо этиш тўғрисида билдирилган ажойиб фикрлари қалбимда олов ёққандай бўлди...»

«Президентимизнинг 9 Май куни чин юракдан айтган беҳад таъсирли сўзларини эшитиб кўзларимга ёш келди, — деб ёзади Боғот туманида истиқомат қилувчи биринчи гуруҳ уруш ногирони Оғабой ота Сотиболдиев. — Бизнинг биргина Боғот туманида урушга отланган йигитларнинг 1400 нафардан зиёди ўзга ўлкаларда шаҳид кетди. Биз тириклар ана шу сафдошларимизни, тенгқурларимизни, ёш авлод эса ота-боболарининг номларини унутмасликлари керак. Хотира ёдгорликларида барча шаҳидларнинг номлари абадиятга муҳрланмоғи лозим...»

Яқиндагина саксон ёшли тўйини нишонлаган отахон адибимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳимнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари ҳам эътиборга сазовор:

«Одамзод онгли ҳаёт кечираётган замонлардан бери беш минг йил ичида ўн тўрт минг марта уруш кўрди. Бу қирғин-баротларда не-не давлатлар, эл-элатлар, шаҳар-қишлоқлар йўқ бўлиб, миллион-миллион бегуноҳлар қирилиб кетди. Аммо шу урушларнинг бирортаси на кўлами, на унда қатнашган кучлар, кўрилган талофатлару қурбонлар жиҳатидан 1941-1945 йилларда фашизмга қарши олиб борилган урушга тенглаша олмайди.

Бу урушда ўзбек халқи ҳам унинг барча даҳшатини татиб, жабри-жафосини тортди. Бевосита жангларда бир ярим миллион юртдошимиз жон олиб жон берса-да, бутун ўзбек халқи фронтча ишлаб, фронтча яшади.

Қадриабад одамларни ёдламоқ тириклар учун фарздир. Шу боисдан Президентимизнинг бу ташаббусини тўла қўллаб-қувватлайман», — дея фикрини давом эттиради кекса адиб ва бўлғуси Хотира мажмуини миллий мазмун ва шаклда барпо этиш юзасидан ўз таклифларини баён қилади.

«Ислом Абдуғаниевичнинг биз — уруш иштирокчиларига кўрсатаётган доимий диққат-эътиборини доимо сезиб яшаймиз! — дейди яна бир уруш фахрийси И.Баликов. — Пойтахтимизда Хотира хиёбони ташкил этиш, унда урушда ҳалок бўлган барча ўзбекистонлик аскарларнинг номма-ном эсланиши — бу ниҳоятда олижаноб ғоядир. Бу катта ватанпарварлик аҳамиятига эга иш бўлиши шубҳасиз».

Куни кеча Президент ҳузурида бўлиб ўтган ўша кенгашда давлатимиз раҳбари яна шу мавзуга қайтиб, мутасадди раҳбарлар, мутахассислар диққат-эътиборини пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида барпо этилиши мўлжалланган Хотира хиёбони қурилишини тезлаштириш масаласига қаратди.

«Савоб ишларни асло кечиктирмаслик керак, — деди Президент. — Афсуски, бизда кампаниябозлик касали кучли. Баъзан эзгу мақсад билан бошланган ишларни ҳам кампанияга айлантириб икки-уч кун шов-шув қиламиз-да, кейин ўз ҳолига ташлаб қўямиз. Хотира хиёбони масаласида асло бундай бўлмаслиги лозим. Чунки бу барчамизнинг умумий ишимиз, умумий дардимиз. Бу хиёбон жамиятимиз маънавий ҳаётида улкан тарбиявий аҳамият касб этадиган табаррук қадамжо бўлиб қолиши шубҳасиз».

Сўнгра Президент бўлғуси ёдгорлик мажмуининг ғоявий мазмунидан тортиб меъморий ечимига қадар бўлган барча жиҳатларни аниқ-равшан тушунтириб, изоҳлаб берди.

«Ёдгорликнинг марказий қисмида Она-Ватан тимсоли акс этиши керак. Уруш туфайли беҳад қайғу-жафолар чеккан, фарзандлари доғида кўз ёшлари дарё бўлиб оққан мунис ва муштипар, мотамсаро Она сиймоси Ватан рамзини ифодалаши лозим. Унинг маҳзун қиёфаси, ғамгин нигоҳи чексиз аламини акс эттириш билан бирга одамзотни ҳушёрликка чорлайдиган, ҳеч қачон уруш ва қирғинларга йўл қўймасликка, уларнинг олдини олишга даъват этадиган маъно-мазмунига эга бўлиши керак.

Урушда қурбон бўлганларнинг номларини ўн тўртта рамзий Хотира китобига (Қорақалпоғистон, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг сони) зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйиш зарур. Бу хотира китобларини бетакрор усул билан яратиш лозим. Токи уларда юртимизнинг ҳар бир вилоятига хос руҳ ва нафас ифодалансин. Хотира китоблари саҳифаларига «мангу олов» ёқдуси шуъла сочиб, қурбонлар ёдини нурафшон этиб турсин.

Умуман олганда, ёдгорлик мажмуини барпо этишда ҳайкалтарошлар, меъмор ва дизайнерларимиз, қурувчиларимиз миллий руҳ, миллий шаклга алоҳида эътибор беришлари лозим.

Биз шундай таъсирчан меъморий ансамбль яратишимиз керакки, бу муқаддас зиёратоҳга ташриф буюрадиган ҳар бир инсон кимлигидан, миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар, халқимиз асл фарзандларининг хотираси қаршисида ҳурмат бажо айлаб сукутга чўмсин, элим деб, юртим деб, ватандошларим деб, уларнинг бахту саодати деб олис жаҳонларда шаҳид бўлган инсонлар хотираси билан бевосита дахлдорлик туйғусини ҳис эта билсин».

Президент ўз сўзида «номаълум солдат» тушунчаси хусусида ҳам тўхталиб ўтди.

«Аслида, «номаълум солдат» дегани нима? У қандай маънони англатади? Бу ибора русчадан олиниб, кўр-кўрона таржима этилган. Чуқурроқ ўйлаб қарасак, унинг ўзбек тили табиатига ҳам, ўзбек халқи табиатига ҳам бегоналигини яққол сезиш мумкин. Негаки биз «номаълум» деганда кўпроқ ҳеч ким танимайдиган, ҳеч ким билмайдиган, зоти-зурриёдининг тайини йўқ кимсани тушунамиз. Аммо наинки фашизм вабосига қарши омонсиз жангларда жонини фидо этган салкам ярим миллион юртдошимизни «номаълум» деб ўтирсак! Ахир, урушга кетган ҳар бир аскарнинг номи, насл-насаби ота-онаси, қариндош-уруғлари, фарзандларининг қалбида бир умр ҳасрат бўлиб яшайдику! Уларнинг шу қаттол урушда ҳалок бўлгани маълум-ку! Қандай қилиб уларни бугун «номаълум солдат» деган мавҳум ибора билан атаб, ўзимиздан узоқлаштиришимиз керак? Ахир, уларнинг ҳар бири шу халқимиз, шу миллатимизнинг жондан азиз фарзандлари, бизнинг жигарбандларимиз эмасми!

Нима учун биз ҳаёти, номи маълум ва қадрдон бўлган ота-боболаримиз, ўша даҳшатли уруш йилларида ҳалок бўлгани бир парча қора хат орқали хабар этилган аждодларимиз хотираси пойида эмас, балки аллақандай «номаълум солдат» олдида бош эгишимиз керак?

Менинг фикримча, уларни «номаълум» деб аташ фашизмга қарши курашда қурбон бўлган шаҳидлар хотирасига соя солади. Уларни гўёки бизга дахли, алоқаси йўқ бегона кимсаларга айлантириб қўяди. Шу сабабли бу иборани ўрнига «шаҳид аскар», «қурбон бўлган аскар» деган ибораларни ишлатсак, ўйлайманки, халқимизнинг миллий табиати, урф-анъаналарига хос ва мос иш тутган бўламиз.

«Номаълум солдат» қабри тепасига ёзиб қўйилган «Сенинг исминг номаълум, жасоратинг абадий» деган сўзларни ҳам ўйлаб кўриш керак. Йўқ, биз учун шаҳид юртдошларимизнинг номи ҳам, жасорати ҳам маълум, ҳеч қачон унутилмагай. Биз уларнинг номи билан бирга жасоратини абадийлаштиришимиз лозим. Шунинг учун Хотира хиёбони бунёд этганимизда қаҳрамонликни, ватанпарварликни улуғловчи, халқимизнинг руҳиятига мос тушадиган, одамнинг юрак-юрагига етиб борадиган таъсирли сўзларни топиб, ёдгорлик пештоқида абадий нақш этишимиз керак. Бундай сўзларни балки Алишер Навоийдан, балки Яссавийдан, балки муқаддас ҳадислардан топиш мумкиндир».

Инсон хотирасиз, ўтган кунлар ёдисиз яшай олмайди. Йиғилишда Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон берган қурбонлар, уруш баҳонасида мустамлака тузуми халқимиз бошига солган беҳисоб жабр-зулмлар ҳақида ҳам фикр билдирди.

«450 минг ҳалок бўлган аскар — бу расмий маълумотга кўра жанг майдонларида ҳалок бўлганларнинг сони, холос. Аммо жангоҳларда асир тушиб фашист лагерларида жон берганлар, бедарак кетганлар — булар қайси рўйхатга кирган? Уларнинг тақдири, хотираси билан ким қизиққан? Уларни ким икки оғиз илиқ сўз билан эслаган? Ёки фашист асирлигидан қутулгач, «халқ душмани» сифатида айбланиб, совет тутқунлигида Магадан конларида, Колима ўрмонларида ҳалок бўлган юртдошларимизнинг ҳисоб-китоби борми?..

Ана шу одамларнинг тарихини ўрганиш, хотирасига муносиб иззат-икром кўрсатиш биз — бугунги авлодлар учун ҳам фарз, ҳам қарздир».

Бу фоний дунёдан ўтганлар хотирасини эъзозлаш, ҳамиша ёдда сақлаш — халқимизга хос эзгу фазилат. Шунинг учун ҳам Хотира хиёбони барпо этиш ҳақидаги юртбошимиз таклифи ва ташаббуси халқимиз, миллатимизнинг айни кўнгилдаги иш бўлиши шубҳасиз. Энди енг шимариб, пок ният ва улуғ мақсадлар билан амалий ишга киришиш вақти етди. Президент таъкидлаганидек, сохта рамзлар эмас, **тирик хотира халқни бирлаштиради. Унинг руҳига малҳам бўлади. Иродасини бақувват, имонини бут қилади. Бўлғуси Хотира хиёбонига шу қадар катта эътибор бераётганимизнинг сабаби ҳам ана шунда.**

Ишончимиз комилки, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз бу савоб ишдан четда қолмайди.

Хайриддин СУЛТОНОВ

Югурганники эмас, буюрганники

Қочган ҳам, қувган ҳам Худо дейди. Зеро, югурганники эмас, буюрганники бўлади. Бу йилги чемпионатда Африкада футбол анчайин ривож топгани кўзга ташланмоқда. Айтайлик, Марокаш, Нигерия жамоаларининг ажойиб ўйинлари шундан нишона. Марокашликларнинг омадлари чопса нимчорак финалга чиқишлари аниқ эди. Лекин жаҳон чемпионлари — Бразилия футболчиларининг Норвегия жамоасига ютқазиб қўйиши марокашликлар учун қимматга тушди. Норвегия ўз гуруҳида иккинчи ўринни олиб, курашни давом эттириш имкониятига эга бўлди. Испания футболчилари ҳам худди шундай аҳволга тушдилар. Парагвай жамоасини Нигерия футболчиларидан устун келиши футбол тарихида кўп марта ўзини кўрсатган тажрибали испанларни доғда қолдирди. Парагвай гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаб, нимчорак финалга йўлланма олди.

Кеча «G» ва «H» гуруҳларида якунловчи саралаш ўйинлари бўлиб ўтди. Руминия — Тунис, Колумбия — Англия, Аргентина — Хорватия, Япония — Ямайка жамоалари майдонга тушдилар. Қолган гуруҳларда эса нимчорак финалчилар аниқланди. Якунловчи тур ўйинларида эса қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: Франция — Дания — 2:1, ЖАР — Саудия Арабистони — 2:2, Парагвай — Нигерия — 1:0, Испания — Болгария — 6:1, Бельгия — Жанубий Корея — 1:1, Голландия — Мексика — 2:2, Германия — Эрон — 2:0, Югославия — АҚШ — 1:0.

Бугун Бразилия — Чили жамоалари ўртасида дастлабки нимчорак финал учрашуви бўлади.

Анвар МИРЗО

Ғолибларни қутлаймиз!

«Ўзлигинг намоён қил» телетанлови якунланди

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами арафасида Ўзтелерадиокомпания танлов ҳайъати вилоятлараро «Ўзлигинг намоён қил» телетанловига тақдим этилган кўрсатувларни кўриб чиқиб, ғолиб жамоа ва ижодкорларни аниқлади;

Биринчи ўрин — Сурхондарё вилояти телеижодкорларига;

Иккинчи ўрин — Наманган ва Қашқадарё вилояти телеижодкорларига;

Учинчи ўрин — Хоразм, Фарғона ва Жиззах вилояти телеижодкорларига.

Рағбатлантирувчи мукофот

Қорақалпоғистон Республикаси ва Самарқанд вилояти телеижодкорларига;

«Энг яхши режиссёр» мукофоти

Толиб Ҳамидов (Андижон вилояти телевидениеси режиссёри) ва Муҳаммад Рафиқов (Бухоро вилоят телевидениеси режиссёри)га

«Энг яхши тасвирчи» мукофоти

Абдусалом Шарипов ва Машраб Қосимов (Наманган вилояти телевидениеси тасвирчилари)га;

«Юртни мадҳ этувчи энг яхши қўшиқ ижрочиси» мукофоти

«Ўзбекистон — Ватаним маним» Республика танловининг ғолиби

Абдулла Холиқовга (Сирдарё вилояти телевидениесида тайёрланган кўрсатувда ижро этган «Юртим жамоли» қўшиғи учун)

«Энг яхши бошловчи» мукофоти

Ғуломжон Султоновга (Навоий вилояти телерадиокомпанияси раиси);

«Энг яхши диктор» мукофоти

Шаҳодат Усмонова (Сурхондарё вилояти телевидениеси диктори) ва Меҳрибон Бакиева (Хоразм вилоят телевидениеси диктори) га берилади.

Ғолиблар пул мукофоти, Ўзтелерадиокомпаниянинг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Тошкент шаҳар Миробод тумани халқ таълими бўлимининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бугун – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар!

Тарбиянинг ўткир қуроли

Ўзбекистон ХДП тасарруфида «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журнали партиямизнинг ўткир тарбиявий қуроли бўлиб келмоқда. Бу нашрлар саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари, уларнинг қандай бажарилаётгани, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати масалалари, партиямизнинг дастурий ғоялари ва мақсадлари, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг асосий ҳужжатлари, шунингдек, партия ташкилотлари тўплаётган ижобий тажрибалар мунтазам ёритилмоқда. Шуни назарда тутган ҳолда бу йилги обунани «Таллашкон», Э. Бердиев номли жамоа хўжаликлари, Шеробод пахта тозалаш заводи партия ташкилотлари уюшқоқлик билан ўтказишгани яхши самара бермоқда.

Бундан ташқари Н. Муродов ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бир гуруҳ меҳнат ва партия фахрийларини партиямиз нашрларига бепул обуна қилдириб беришгани-чи. Якка тартибда ҳамда кўпчилик фуқаролар ўз маошларига обуна бўлишдики, бу нашрлар обрўси йил сайин ошиб бораётганлигидан далолатдир.

Ўзбекистон ХДП туман кенгаши ижроия бюроси, масъул ходимлари нашр ходимларини касб байрамлари билан самимий муборакбод этади!

Я. ТОЖИЕВ,
ЎзХДП Шеробод туман кенгашининг котиби.



«Ўзбекистон овози» жамоаси

Қишлоқ мухбирининг бахти

Облоқул синфга кирганда тенгқурлари уни даврага олишди. Улардан бири «табриклаймиз», газетада мақоланг чиқибди, деса бошқаси, уйимиздагилар ҳам ўқиб, зўр ёзипти, дейишганини таъкидларди.

Қўнғироқ чалиниб, дарс бошланди. Облоқул эса газетадан кўзини узмасди. Қайта-қайта ўқир, мақола тагидаги Облоқул Усмонқулов, деган ёзувга тикилиб, наҳотки, деб қўярди. Ўқитувчи Қўбай Пиримқулов кирганини ҳам сезмай қолди. У Облоқулни табриклаб, омад тилади...

1957 йили ТошДУнинг журналистика бўлимига ўқишга кирди. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Максим Каримовлар билан мулоқотда бўлди. Ижодий кечаларда иштирок этди. Ўқиб юриб, «Туркистон» газетасида ҳам ишлайверди. Бир қанча мақола, очерклари чоп этилди.

Ҳалол, пок қаламкашга ишонч билдирилиб, республика радиосининг вилоят мухбири вазифасига йўлланма берилди. Далада ўсган йигит эмасми, Облоқул кўпроқ қишлоқ хўжалиги мавзусида ёзди. Унинг «Ютуқлар ва тўсиқлар», «Қовжираётган олтин бошоқлар ёки ўчакишиш касофати» каби танқидий материаллари қишлоқ одамлари дарди ҳақида бўлиб, муаммолар ечимининг топилишига имкон берди. У шунингдек, маданият, маориф, тиббиёт, саноат қурилиши, табиатни муҳофаза қилиш, маърифат мавзуларида кўп ва хўп ёзди. Меҳнатлари зое кетмади.

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони билан тақдирланди. Умрининг 44 йилини журналистикага бағишлади. Ҳозир Облоқул Усмонқулов олтмишни қаршилаб, болаларию невараларига мустақиллик шарофатидан «сабоқ» бермоқда.

Кудратилло ҲАЙДАРОВ

Тафтишчи — таҳлилчи

Таҳририят хандалари

Таҳририят мажлисларида «буюртма»чи сўзга чиқувчи, ҳатто газета саҳифаларини ўқимасдан туриб «михлаб» таҳлил қиладиган мухбир бугун ҳам одатдагидай гап бошлади. Умумий қилиб, биринчи бет зўр деди, иккинчи бет танқид, учинчи бет...

Узоқ гапирди. Шу пайт негадир бош муҳаррир безовталаниб қолди.

— Кечирасиз-у, сиз қайси мақолани айтаяпсиз? Ўзи қайси «сон»ни таҳлил қиляпсиз, ҳозир биз шанбани таҳлил қилишимиз керак эдими? — деди олдидаги газеталарни ағдариб-тўнтариб. Таҳлилчи сал довдирагандай бўлди.

— Ҳа, айнан шанбани «тафтиш» қиляпман, — деди-да қўлидаги газетанинг кунига шоша-пиша кўз югуртирди. Сўнгра мақоланинг муаллифига қаради-ю, ранги докадек оқарди — нозик одамнинг мақоласи-ку?

— Йўғ-э, бу танқидий фикрлар 3-бетга тааллуқли, 2-бетдаги мақола... — кўпиртириб кўкка кўтара бошлади. Муҳаррирнинг энди авзойи ўзгара бошлади. Гапини шартта бўлди:

— Бу материал ростанам «бўш», салмоқсиз, ҳеч қандай тош босмайди, бўлим қаёққа қараган, ишлаши, қаттиқ ишлаши керак эди, — чўрт кесиб гапирди у. — Таҳлилчи, аниқроқ гапиринг, фактлар билан изоҳлаб беринг.

Нотиқ йўлини топди. Гапни бошқа ёққа буриб, тафтишни қолган жойидан илиб кетди.



С. ХОЛБЕКОВ чизган расм

— Бу мақтовлар, аслида 3-бетга алоқадор эди. 2-бетдаги мақолага келсак... (қўлидаги газета умуман бошқа сон эди) Мусаҳҳиҳларнинг айби ҳам талайгина... Умуман, мақола муаллифи қуруқ аравани...

Гап нимадалигини сезган муҳаррир босиқлик билан:

— Тафтиш эмас, таҳлил керак! Сиз назаримда, сўнгги бекатга етиб келдингиз, — деди. Муҳаррирнинг фикрига ҳеч ким эътироз билдирмади. Фақат кимдир «пиқ» кулди.

«Пири»м қаллоб

Ўпкасини қўлтиқлаб шошилинч мақола тайёрлаган ёш мухбирни бўлим бошлиғи сал попугини пасайтириб қўймоқчи бўлди.

— Хўш, нима қипти, шошилинч бўлса. Тушдан кейин ўқийман, ҳозир эса... Балки бирга овқатланармиз-а, лаббай... — керишиб қўл соатига қаради у. Ходим бўшашибгина, ерга боқди.

Тушдан сўнг апил-тапил адабий котибга кирди. Котиб мақолага бирров кўз югуртириди-ю, қошларини керди.

— Шу сонга денг, ҳовлиқманг, бўпти, аммо оғайни, тегирмон навбати билан дегувчилар ҳам ҳақ. — Қайсидир материалга мук тушиб олди-да, ўқийверди. Тегирмоннинг навбати келди.

Куннинг иккинчи ярмини оғдириб, масъул котиб ҳузурига юрагини ҳовучлаб кирган янги ходимга:

— Ҳозир соат неччи? Қаерларда юрибсиз? Шу «сон» қоптими? Тўрт «бетим» ғиштку, — масъул котиб мақолани ўқимаёқ бир ёнга суриб қўйди.

— Ахир бу муҳим топшириқ эди-да, бир иложини қилинг, ака, бирорта материални қолдирсангиз бўлмасмикин-а? — умидвор бўлди ходим.

— Қандай қилиб бирортасини «учираман», бари бугун кетиши шарт материаллар бўлса?! Ҳа, майли, топдим, «заҳира»га тушурамиз, эртагаёқ «тайёр папка»дан «сон»га қўямиз, қалай? — топқирлигидан ўзиям завқланди котиб.

— Бу шошилинч мақола эди-ку, эскириб, фактлари аҳамиятсиз бўп қолмасмикин? — елка қисди муаллиф.

— Йўлини қиламиз, мана бундай, — масъул котиб мақоланинг бош абзацларини охирига, охирини бошига, ўртасини... хуллас безаб ташлади. Шундоқ қилсангиз, мақолангиз «юриб» кетади, яъни ишингиз юришиб кетади. Мақолангизнинг оёғини бошга оламиз, бошини охирига қўямиз, фактлари, фактлари ўртада қолаверади. Ана, мана бундай, бўлди, эскирмайди, э, бунақа материалларни ишлайвериб «пири» бўп кетганмиз. Бўлди, «ужин» пайтиям бўп қопти, юринг бирга...

Мухбир ҳеч нарса демай, каловланиб хонадан чиқди. Бошини сарак-сарак қилиб, яна елка учирди:

— Тавба, мақолаям «бош»и билан юраркан-а? «Пири»м қаллоб экан-ку?

Саида ЙЎЛДОШЕВА

Қўли макетдаю, дили ижодда

20 йиллар бўлди-ёв. Таҳририятнинг ишлаб чиқариш мажлиси эди, ўшанда. Газета ишини янада яхшилаш учун нималар қилиш керак? Муҳаррир ўринбосари Жуманиёз Жабборов кўпгина муаммоларни бартараф этиш ҳақида гапириб, ёшларни тарбиялаш тўғрисида ҳам жон куйдирди. Айниқса, Ҳамид Султонов, Абдунаби Маннопов, Файзулла Исаев, Асад Фозилов, Шоҳайдар Мирҳабибов кабиларга эътибор қаратилди.

Мана қанча сувлар оқиб ўтди. Ўшанда тилга олиб ўтилган ёшлар улғайиб, тажрибали бўлишди. Айниқса, Шоҳайдар Мирҳабибовнинг номи оғизга тушди. У оддий корректор бўлиб иш бошлаган эди. Тошкент Давлат университети журналистика факультетининг кечки бўлимида ўқирди. Алижон Маъзумов, Абдуллажон Раҳимов, Раҳима Муҳсимова, Мария Зиёдова, Абдукарим Набихўжаев, Яҳё Тўхтаев ва бошқалар мусаҳҳиҳлик касбининг нозик сирларини ўрганишида устозлик қилишди.

Шундай ҳоллар ҳам юз берардики, тунлар тонгларга уланар, ўқишга эса фурсат тегмасди. Шу боисми, кутилмаган воқеа бўлди. Муҳаррир ўринбосари Холбек Ёдгоров ҳузурига университетдан вакил келиб Мирҳабибов ўқишидан нолиди. Холбек ака бўш келмадилар: «Газетамиз ҳам матбуот дорилфунуни. Мирҳабибов билсангиз ўзига хос талаба. Унинг учун таълимнинг амалий жиҳатлари етарли...»

Устоз Шоҳайдарнинг ўзига:

— Астойдил ўқисанг, ҳақиқий журналист бўлиб етишасан, укам, — деб қўйдилар.

Бу гаплар Шоҳайдарнинг қулоғида қолди. Ниҳоят олий маълумотли ҳам бўлди. Бироқ, ўша пайтларда ижодий бўлимга ўтишнинг ўзи бўлмасди. Чунки, отахон газетанинг ҳар бир бўлимида қалами қайралган ажойиб ёзувчи ва журналистлар ижод



қилишарди. Уларнинг панжасига панжа уриш учун кўпроқ изланиш, маҳоратни ошириш лозим эди.

Буни чуқур ҳис қилган ёш мутахассис ҳаётнинг турли жабҳаларидан мақола, хабар ва лавҳалар ёза бошлади. Айниқса, «Тошкент қурилишларида», «Пойтахтнинг бир куни», «Ўзбекистон Халқ хўжалиги кўргазмасида» рукнидаги репортажлари таҳририятнинг ишлаб чиқариш мажлисларида тилга олинди. У уч марта Бош кўргазманинг совринига сазовор бўлиб, таҳририятга учта рангли телевизор келтирди.

Шоҳайдар эмин-эркин қалам тебратарди, тезкор мақолаю-таржималарни ўринлатарди.

Ниҳоят, орзулари ушалиб қишлоқ хўжалиги бўлимига мухбирликка тайинланди. Унинг олдида ижод учун кенглик очилди. Пахтазору яйловлардаги ҳаёт, чорвадору шоликор ҳақида қалам тебрата бошлади. Қатор очерк ва лавҳалар ёзди.

Лекин, ҳаёт бир маромда давом этгани йўқ. Унинг фаолиятида турли тўсқинликлар ҳам бўлди. Уларнинг барчасига бардош бериш учун эса фақат ҳалол меҳнат қилди. Худди ана шу ҳалоллик, тўғрисўзлик ва меҳнатсеварлик фазилати уни юзага чиқарди. Виждонан ишлаб, астойдил тер тўккан киши назарга тушади. Мирҳабибов бунга эришди. Газета чиқариш икир-чикирларини яхши билгани учун масъул котиб ўринбосари лавозимига қўйилди. Бу борада унга Файзи Шоҳисмоил, Яҳё Тўхтаев, Тожибой Унабоев, Ҳамид Султонов, Эркин Хўжаев устозлик қилишди.

Энди унинг ўзи ҳам устозлардан саналади. Мирбахтиёр Мирфайзиев, Нигора Азимова, Маъсуда Ёқубова, Абдумалик Ҳайдаров, Мафтуна Мингбоева, Абдуғани Мамасодиқов каби шогирдлар унга эргашишмоқда. У эса «Ўзбекистон овози» газетасининг шакли-шамойилини янада яхшилаш борасида қайғуриб-қайғурган.

Юнус ЗИЁДОВ

Суратда : Шоҳайдар Мирҳабибов шогирди, газетанинг бўлим мудири Мирбахтиёр Мирфайзиев билан.

латифалар

Ҳаётий

ЎЗИМНИ КЎРСАМ... БУ НИМАСИ?!

Бир замонлар таҳририятда шахмат ўйнаш шунчалик удум бўлдики, баъзан фақат сукунат ҳукмронлик қиларди.«Запас» папка эса кундан кунга енгиллашиб борарди. Тоқати тоқ бўлган муҳаррир таҳририятда умуман шахмат ўйнашни ман этишга мажбур бўлди. Шу билан ҳамма нарса жойига тушди, деб ўйларсиз? Қаёқда, йўли топилди. Кутубхона ортида жойлашган «Қишлоқ хўжалиги бўлими»да шахматчилар ўзларига макон топишди. Бир куни муҳарриримиз билиб-билмасдан ашаддий шахматчи Одил Абдурахмоновни иш юзасидан излаб қолди. У бўлса, шахмат тахтаси устида: «Лаббай, ҳозир кетяпман» деганича қабулхонага югурди. Муҳаррир одоб юзасидан сўрашиш учун қўлини чўзганди, Одил ака ҳам қўл олишга ошиқди. Энди кафтини очаман деса қўлида «от» турганмиш. Мақсуд ака газабга келиб, «бу нимаси?!» дедию, юз ўгирди...

Ҳайдар НОСИРОВ тайёрлади.

Фариштали инсон эди

Инсон хотираси азиз

Гоҳо қишлоқ кўчаларида бизга нотаниш, ёши каттароқ кишиларни учратиб қолардик. Маълум бўлишича, улар пойтахтда ёки бошқа жойларда хизмат қилаётган ҳамқишлоқларимиз экан. Танимаслигимиз табиий — улар қишлоқдан кетишганда биз ёш болакай бўлганмиз. Ана шу одамлар орасида ўрта бўйли, хушрўйгина, тўлиқ юзли, истараси иссиқ, кўзойнагида янада салобатлироқ кўринувчи, асл зиёлисифат бир киши алоҳида диққатимни жалб қиларди. Кейинчалик бу одамнинг ҳамқишлоғимиз, таниқли журналист ва ёзувчи Рустам Раҳмон эканлигини билгач, унга бўлган қизиқишим янада ортди. Сабаби — адабиёт ихлосманди эдим, китобни, айниқса бадиий асарларни кўп ўқирдим. Ҳаётимда тирик ёзувчини биринчи марта кўргач, унинг ўзимдаги ягона китоби — «Бахт билан учрашув» ҳикоялар тўпламини яна бир карра синчиклаб ўқиб чиқдим, аммо Рустам ака ҳар гал қишлоққа келганида журъат қилиб, бирон марта яқинига боролмаганман.

Ниҳоят, пойтахтга келиб, дорилфунуннинг филология факультетига ўқишга кирдим. Кейинчалик физик олим бўлиб етишган ҳамқишлоғим Эргаш Мусаев билан Рустам аканинг олдига бориб турардик. Ўқишни битиргач, менинг пойтахтда ишлаб қолишимга ҳам Рустам ака сабабчи бўлди.

Тақдир Рустам акани аксарият



яхши одамларга йўлиқтирди. Ажойиб инсон, таниқли ёзувчи Иброҳим Раҳим шундай одамлардан эди. Улар бир-бирларини илгаридан яхши билишарди. Одам танишда янглишмайдиган Иброҳим ака синашта Рустам акани «Гулистон» журналида ишлашга таклиф этганди. Бу журнал халқимизнинг маънавий-маърифий ва маданий ҳаётида жуда катта роль ўйнайди. Ҳукмрон қизил мафкура тазйиқлари ва қийинчиликларига қарамай, маданий мерос ва миллий қадриятларни, тилимизнинг нуфузини қайта тиклаш борасида таҳририят жуда кўп хайрли ишларни бажарди. Ушбу хайрли ишларда Рустам аканинг ҳиссаси салмоқли бўлди. «Гулистон»да «Темур тузуклари»нинг машҳур аллома Алихонтўра Соғуний таржимасида босилиши бевосита Рустам аканинг саъй-ҳаракати туфайли амалга ошади.

Раҳматли домла тузуқлар таржимасини Соғунийнинг тилидан кирилл-ўрис ёзувига ўгириб келар эди.

Илгари биз «миллат» деган сўзни жуда ҳадиксираб, қўрқиб тилга олардик. Айниқса, «чи» қўшимчаси қўшилганда (гарчи бир вақтлар «миллатпарвар» маъносида қўлланган бўлса-да) бу сўз бамисоли бомбага айланиб қоларди. Рустам акани сира иккиланмай чинакам миллатпарвар одам эди дейиш мумкин.

Маълумки, Андижонда ширмонбулоқликларни турклар дейишади. Рустам ака раҳматли ўзининг буюк турк қавмига мансублиги билан фахрланар, яхши маънодаги турк ҳам миллатнинг кўзини очиб, ўзлигини танишида катта аҳамият касб этиши мумкин. Рустам ака ўз ҳаёти давомида ана шундай жасоратга бир неча бор ботина олган ва бунинг учун яхшигина «калтак» ҳам еган эди. Рустам Раҳмон узоқ йиллар пойтахтда яшаб, турли таҳририятларда ишлагач, ахийри ота юрт соғинчи устун келади-ю Андижонга — туғилган қишлоғи Ширмонбулоққа кўчиб кетади. Республика радиосининг вилоят бўйича махсус мухбири сифатида иш бошлайди. Радиодан унинг оғир, вазмин, салмоқли ва ширали овози тез-тез эшитилиб турарди. Ҳамкасбларининг самимий эътирофича, Рустам ака радионинг «биринчи номерли мухбири» ҳисобланарди. Бу унинг маҳорати, иқтидорига берилган тўғри, ҳалол баҳо эди. Рустам ака Тошкентга хизмат юзасидан келганда радиодаги собиқ ҳамкасблари, дўстлари ва шогирдлари билан учрашар, тажрибали журналистнинг нафаси теккан эшиттиришлар мазмунли ва жонли чиқишини яхши билган таҳририят ходимлари унга турли мавзуларда буюртмалар беришар эди. Кекса, фахрий журналистлар ва ўша давр маънавий ҳаётидан яхши хабардор бўлган муштарийларнинг гувоҳлик беришича, Рустам ака бош муҳаррирлик қилган йиллари «Ёшлик» радиостанциясининг эшиттиришлари халқ ўртасида тилга тушиб, оммалашиб кетган.

Раҳматлининг ҳаёти ва журналистик фаолиятидаги ибратли жиҳатлар ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Журналистиканинг сермашаққат, аммо шарафли касб эканлигини яхши англамаган, бу борада заҳмат чекишни истамаётган ҳозирги айрим ёшларни кўрганимда дарҳол кўз олдимга Рустам ака келади. У бир умр ўз касбига содиқ қолди, уни ардоқлаб ўтди. Журналистиканинг қора меҳнатидан, заҳматидан завқланиб, маънавий қониқиш ҳосил қилиб яшади. Шу боис у ўз қаламини деҳқоннинг кетмонига қиёсларди. Оғир бетоб бўлиб қолгунча қўлидан ўша «кетмон»ни қўймади. Маълум муддат бир вақтлар ўзи ишлаган «отахон газета» — «Ўзбекистон овози»да махсус мухбир ҳам бўлди.

Кўпчилик қаламкашлар каби Рустам Раҳмон ҳам ҳаёт қозонида обдон қайнаб пишгач, катта адабиётга журналистика орқали кириб келди. Унинг «Қишлоғимиз болалари», «Бахт билан учрашув», «Уч оғайни паҳлавон» каби ҳикоя , эртак тўпламлари, «Чангалзордаги шарпа», «Севги қаримас», «Келин», «Меҳр кўзда» номли қиссалари, «Бахт ҳақида баҳс» публицистик асари, «Қутлуғ қадам» романи чоп этилган.

Одамзоднинг ҳақиқий дўсти одатда кўп бўлмайди. Бу табиий. Айниқса ёши бир жойга борганда дўстлар ҳам сараланиб, танланиб қолади. Рустам ака дўстларига, устозу шогирдларига садоқатли, меҳрибон эди. Уларнинг даврасида яйраб-яшнаб ўтирар, суҳбати, гурунги дилтортар, ўзи ҳам яхши улфат эди. Феъл-атворида, ўзбекчиликнинг, миллий урф-одатларимизнинг энг яхши жиҳатлари жамулжам эди. Мирзакалон Исмоилий, Иброҳим Раҳим, Абдукарим Абдуазимов, Азиз Абдуразоқов, Исмоил Тўлаков, Тўлан Қўзи каби ижодкорлар билан руҳан яқин эди. Шулар орасида бир вақтлар республикада донг таратган, «Қармоқ» сатирик эшиттиришини ташкил этган таниқли журналист Абдукарим ака билан умр поёнига қадар давом этган дўстлиги ҳавас қилгуликдир.

Фариштали, имон-эътиқодли инсон — Рустам Раҳмон хотирасини абадийлаштириш, асарларини чоп этишга бизлар бурчлимиз. Андижонлик маърифатпарвар раҳбарлардан Абдухалиҳожи Чақалов билан режиссёр Толибҳожи Каримов устоз ҳақида ҳужжатли фильм яратишганини эшитиб, суюндик. Аммо бу ҳали хайрли ишнинг дебочаси, холос. Юртбошимиз айтганларидек, савоб ишни ҳар куни, ҳар ким қилиши керак.

Шодмон ОТАБЕК

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ва Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси ҳамкорлигида чиқарилган «Хазина-3» пул ютуқли хайрия лотереяси бўйича 1998 йил 25 июнда Тошкент шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Тиражда лотереянинг беш разрядига умумий миқдори 45 млн. сўмлик 227225 та пул ютуқлари ўйналди.

Ютуқлар тиражи лотереянинг бир разряди бўйича ўтказилди. Жадвалда кўрсатилган барча ютуқлар лотереянинг бошқа разрядлари бўйича шундай серия ва рақамларга эга бўлган билетларга ҳам тўланади. Масалан, серия рақами 008991, билет рақами 001 бўлган лотерея билетига 1000000 сўм пул ютуғи чиққанлиги кўрсатилган.

Бу худди шу ютуқ ҳамма разряддаги шундай серия ва рақамли билетларга ҳам чиққанлигини билдиради. Бошқа ютуқлар ҳам шундай тартибда ўйналган. Серияси ва рақами қуйидагича бўлган лотерея билетларига ютуқлар чиқди:

(сўм ҳисобида)

СЕРИЯ РАҚАМИ	БИЛЕТ РАҚАМИ	ЮТУҚНИНГ МИҚДОРИ
008002	1-100	300
008011	1-100	100
008020	1-100	100
008046	1-100	200
008066	1-100	100
008068	1-100	100
008079	029	1000
008082	1-100	100
008085	1-100	200
008090	1-100	100
008097	1-100	100
008113	1-100	100
008117	1-100	200
008119	1-100	200
008133	1-100	100
008135	1-100	100
008142	1-100	100
008144	1-100	100
008150	1-100	200
008171	1-100	100
008174	1-100	100
008178	1-100	100
008184	023	25000
008189	1-100	200
008199	1-100	100
008210	1-100	100
008222	1-100	200
008234	1-100	100
008235	1-100	200
008236	1-100	100
008237	1-100	100
008254	1-100	100
008262	1-100	200
008263	031	1000
008265	090	10000
008270	1-100	100
008275	1-100	100
008280	1-100	200
008285	1-100	100
008288	1-100	200
008294	1-100	100
008309	1-100	200
008313	1-100	200
008320	1-100	100
008326	1-100	100
008334	1-100	100
008342	1-100	200
008344	1-100	100
008346	1-100	100
008354	1-100	100
008358	1-100	100
008373	1-100	100
008374	1-100	100
008389	1-100	100
008392	1-100	100
008404	1-100	100
008415	1-100	100
008423	1-100	100
008448	1-100	100
008454	1-100	100
008466	1-100	200
008496	1-100	100
008538	1-100	200
008563	1-100	200
008583	1-100	100
008584	1-100	100
008586	1-100	300
008607	1-100	200
008609	1-100	100
008623	1-100	100
008651	1-100	100
008662	1-100	100
008670	1-100	100
008681	1-100	100
008684	1-100	100
008688	1-100	100
008690	1-100	200
008699	1-100	200
008702	1-100	200
008703	1-100	200
008753	1-100	100
008759	1-100	100
008760	1-100	100
008761	1-100	200
008777	1-100	100
008780	1-100	100
008782	1-100	100
008787	1-100	200
008789	1-100	200

СЕРИЯ РАҚАМИ	БИЛЕТ РАҚАМИ	ЮТУҚНИНГ МИҚДОРИ
008790	1-100	100
008801	1-100	200
008804	1-100	200
008815	1-100	100
008820	050	1000
008823	1-100	200
008827	1-100	200
008830	1-100	200
008836	027	1000
008841	1-100	200
008843	1-100	200
008845	1-100	100
008853	083	500
008855	1-100	200
008861	1-100	100
008862	1-100	100
008870	1-100	100
008875	1-100	100
008889	083	500
008897	1-100	100
008904	1-100	100
008906	1-100	200
008919	1-100	100
008921	1-100	100
008927	001	500
008931	1-100	300
008946	1-100	100
008957	1-100	200
008958	1-100	200
008959	1-100	100
008961	1-100	100
008971	1-100	100
008991	001	1000000
009007	1-100	200
009022	1-100	100
009054	1-100	100
009056	1-100	100
009061	1-100	100
009064	1-100	100
009067	1-100	100
009075	1-100	200
009077	1-100	100
009100	1-100	100
009102	1-100	100
009105	1-100	200
009108	1-100	200
009116	1-100	100
009122	1-100	100
009124	1-100	200
009125	1-100	100
009141	1-100	200
009150	1-100	100
009157	1-100	100
009158	1-100	100
009159	1-100	100
009164	1-100	200
009171	1-100	200
009176	1-100	100
009178	1-100	200
009188	1-100	300
009199	1-100	100
009205	1-100	200
009210	1-100	200
009213	1-100	200
009217	1-100	100
009222	1-100	200
009229	1-100	100
009236	1-100	200
009243	1-100	200
009246	1-100	200
009263	1-100	100
009265	1-100	100
009269	1-100	200
009273	1-100	100
009276	1-100	100
009279	1-100	100
009287	1-100	100
009304	1-100	100
009308	1-100	100
009312	1-100	100
009335	1-100	300
009353	1-100	200
009360	1-100	100
009369	1-100	100
009372	1-100	200
009374	016	1000
009379	1-100	100
009381	1-100	200
009395	1-100	100

СЕРИЯ РАҚАМИ	БИЛЕТ РАҚАМИ	ЮТУҚНИНГ МИҚДОРИ
009425	1-100	100
009430	1-100	200
009433	1-100	100
009444	034	500
009445	1-100	100
009463	1-100	100
009468	040	1000
009484	1-100	100
009500	1-100	200
009504	1-100	100
009508	1-100	100
009523	005	1000
009526	1-100	100
009530	1-100	100
009532	1-100	100
009560	1-100	100
009562	093	1000
009595	1-100	100
009602	1-100	100
009604	1-100	100
009606	1-100	100
009608	1-100	100
009609	1-100	200
009611	1-100	100
009616	1-100	100
009622	1-100	100
009631	1-100	100
009635	1-100	200
009639	1-100	200
009649	1-100	100
009652	1-100	100
009683	1-100	100
009685	1-100	100
009686	1-100	200
009696	1-100	100
009698	028	1000
009706	1-100	100
009708	1-100	100
009711	1-100	100
009712	1-100	100
009713	1-100	100
009717	1-100	200
009721	1-100	100
009725	1-100	100
009729	1-100	100
009736	1-100	100
009738	1-100	200
009747	1-100	100
009776	1-100	200
009781	1-100	100
009788	1-100	200
009793	1-100	100
009795	1-100	200
009808	1-100	200
009840	1-100	100
009842	1-100	200
009846	1-100	100
009849	1-100	100
009874	1-100	100
009877	1-100	100
009879	1-100	200
009903	1-100	100
009910	1-100	100
009914	1-100	200
009936	1-100	100
009940	1-100	100
009992	1-100	200
009993	1-100	100
010013	1-100	200
010014	1-100	200
010017	1-100	100
010027	1-100	200
010030	1-100	100
010040	1-100	100
010049	1-100	200
010066	1-100	200
010074	028	500
010092	1-100	200
010104	1-100	100
010109	1-100	200
010130	1-100	100
010139	065	50000
010140	1-100	100
010149	1-100	200
010151	1-100	100
010159	1-100	100
010163	079	10000
010169	1-100	100
010174	1-100	200

СЕРИЯ РАҚАМИ	БИЛЕТ РАҚАМИ	ЮТУҚНИНГ МИҚДОРИ
010175	1-100	100
010183	1-100	100
010217	1-100	100
010224	1-100	200
010228	1-100	200
010231	1-100	100
010232	1-100	100
010235	1-100	100
010257	1-100	200
010288	1-100	200
010302	1-100	200
010303	1-100	100
010304	1-100	100
010305	1-100	200
010314	1-100	200
010316	1-100	200
010317	060	5000
010322	019	500
010323	1-100	100
010334	050	500
010350	1-100	100
010363	1-100	200
010368	010	500
010383	053	500
010384	1-100	100
010399	1-100	200
010405	1-100	200
010406	073	1000
010413	1-100	200
010416	073	10000
010457	1-100	100
010458	1-100	100
010491	1-100	100
010498	1-100	100
010503	1-100	100
010508	013	5000
010513	021	500
010517	1-100	100
010518	1-100	200
010519	1-100	100
010526	1-100	100
010542	043	500
010547	1-100	200
010548	1-100	200
010553	1-100	100
010562	1-100	100
010578	1-100	100
010579	013	500
010585	1-100	200
010593	1-100	300
010607	1-100	200
010610	1-100	200
010624	1-100	100
010630	1-100	100
010637	1-100	200
010645	1-100	100
010649	1-100	200
010654	1-100	200
010661	1-100	100
010675	1-100	200
010676	1-100	100
010679	1-100	100
010680	1-100	200
010682	1-100	100
010686	1-100	100
010689	1-100	200
010705	1-100	200
010706	1-100	200
010722	1-100	100
010733	1-100	200
010743	051	500
010746	1-100	300
010747	1-100	200
010773	1-100	100
010776	1-100	200
010777	047	500
010785	1-100	200
010790	1-100	100
010792	1-100	100
010803	1-100	200
010805	1-100	200
010814	1-100	100
010817	1-100	200
010825	1-100	100
010828	1-100	200
010834	1-100	200
010849	1-100	100
010859	1-100	100
010867	1-100	200

СЕРИЯ РАҚАМИ	БИЛЕТ РАҚАМИ	ЮТУҚНИНГ МИҚДОРИ
010870	1-100	100
010881	1-100	200
010884	099	500
010888	1-100	100
010895	1-100	100
010900	1-100	200
010906	1-100	100
010929	1-100	200
010932	1-100	200
010944	1-100	100
010951	1-100	100
010952	1-100	200
010953	1-100	100
010962	1-100	100
010971	1-100	100
010977	1-100	100
011008	1-100	100
011019	1-100	200
011027	1-100	100
011028	1-100	100
011029	1-100	100
011030	078	500
011036	1-100	200
011038	1-100	200
011052	1-100	200
011062	1-100	200
011064	1-100	100
011068	1-100	100
011078	1-100	100
011087	1-100	200
011113	1-100	200
011117	1-100	200
011140	1-100	200
011141	1-100	200
011146	1-100	100
011149	1-100	100
011163	1-100	200
011170	055	500
011206	1-100	100
011208	1-100	300
011212	1-100	100
011215	1-100	300
011218	1-100	100
011219	1-100	100
011236	1-100	200
011238	1-100	100
011240	1-100	200
011241	1-100	100
011250	1-100	200
011253	1-100	100
011258	1-100	200
011259	1-100	200
011265	1-100	200
011271	085	5000
011284	1-100	200
011300	1-100	100
011320	1-100	100
011325	1-100	200
011326	1-100	100
011328	1-100	100
011329	1-100	300
011338	1-100	100
011358	1-100	200
011367	1-100	100
011368	1-100	200
011369	1-100	100
011373	1-100	100
011377	1-100	100
011380	1-100	100
011392	1-100	100
011393	1-100	100
011396	1-100	200

СЕРИЯ РАҚАМИ	БИЛЕТ РАҚАМИ	ЮТУҚНИНГ МИҚДОРИ
011400	1-100	100
011407	1-100	200
011414	1-100	100
011417	1-100	100
011429	1-100	100
011436	1-100	100
011440	1-100	100
011447	1-100	100
011459	1-100	100
011461	1-100	100
011468	1-100	100
011470	1-100	100
011486	1-100	100
011492	1-100	100
011499	1-100	100
011500	1-100	100
011504	1-100	100
011514	1-100	100
011517	1-100	100
011520	1-100	200
011532	1-100	100
011534	1-100	100
011541	056	10000
011545	1-100	200
011554	1-100	100
011559	1-100	100
011562	1-100	100
011565	1-100	100
011572	054	800000
011575	1-100	100
011614	1-100	200
011618	088	5000
011627	1-100	200
011656	1-100	100
011665	1-100	100
011673	078	5000
011675	1-100	200
011678	1-100	100
011682	1-100	200
011684	1-100	100
011703	1-100	100
011715	1-100	100
011728	090	500
011730	1-100	100
011737	1-100	100
011743	1-100	100
011751	1-100	200
011756	002	250000
011761	1-100	100
011768	1-100	100
011769	1-100	200
011781	1-100	100
011782	075	500
011789	1-100	100
011798	1-100	100
011805	1-100	200
011816	1-100	100
011821	1-100	100
011837	054	500000
011854	1-100	100
011863	1-100	100
011877	1-100	100
011890	1-100	100
011898	1-100	200
011909	1-100	100
011921	1-100	100
011927	1-100	100
011940	087	500
011943	1-100	100
011968	1-100	100
011983	1-100	100

- 5000 сўмгача бўлган пул ютуқли лотерея билетлари Халқ банкининг барча бўлимлари томонидан тўловга қабул қилинади.

- 5000 сўм ва 5000 сўмдан юқори ютуқли лотерея билетлари Ўзбекистон Республикаси Халқ банки томонидан экспертиза қилингандан сўнг тўланади.

Ютуқли лотерея билетлари тўловга 1998 йил 30 октябргача қабул қилинади. Ушбу муддатдан кейин лотерея билетлари ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайди.

Эргашев Алишер Мансурович - *Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг ўринбосари (Тираж комиссиясининг раиси)*

Баҳодиров Ортиқ Шукурович - *Ўзбекистон Республикаси Халқ банки Бошқарувининг бошқарма бошлиғи (тираж комиссиясининг масъул котиби)*

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир уринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Саида ЙЎЛДОШЕВА, навбатчи Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 27.543 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ.
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 080

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА